

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**

**“КОНСТИТУЦИЯ – МАМЛАКТИМИЗДАГИ
ДЕМОКРАТИК, ЛИБЕРАЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
АСОСИ ВА ГАРОВИДИР”**

**мавзуидаги Республика илмий-амалий
конференцияси материаллари**

2013 йил 12 декабрь

ТОШКЕНТ - 2014

Демак, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ёқилги-энергетика балансида ушбу ресурслар ишлаб чиқараётган энергия улушини ошириш борасида инновацион лойиҳа ва ғояларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тижоратлашувини йўлга қўйиш, мазкур соҳага хусусий ва хорижий инвесторларни жалб этиш миллий инновацион тизимнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш тенденцияларини чуқур ўрганиш республикамизда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга ижобий таъсир кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

С.МИРЗАЕВ,

Андижон машинасозлик институти ассистенти

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини кураётганида, ўз олдиға қўйган юксак марраларға кўтарилишида ҳал қилувчи муҳим босқичлардан, хусусан иқтисодиётда туб бурилиш ясайдиган поғиналардан ўтиши табиийдир. «Бозор муносабатларини ривожлантиришға қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади»²⁵⁰.

“Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг ривожлантирилиши давлатнинг иқтисодиётға бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради: халқ хўжалигини тўғридан – тўғри бошқарувчи органдан давлат иқтисодий муносабатларини тартибға солувчи ҳамда республиканинг барча ҳудудларида бозор муносабатлари муҳитининг бирлиги; иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги; товар, хизмат ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати; рақобат курашини қўллаб – қувватлаш каби тамойилларни амалға оширувчи ташкилотға айланмоқда”²⁵¹. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодиётимизни ривожлантириш, такомиллаштириш, бошқача қилиб айтганда, иқтисодий ислохотлар босқичма – босқич амалға оширилиб келинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хорижий сармоядорларни мамлакатимизға жалб этиш, уларни янада жадаллаштириш ва инвестициявий сиёсатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Ички бозорларимизға сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни етказиб беришда, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кўтаришда мавжуд табиий ва минерал ресурсларимизни қайта ишлашда хорижий сармоядорларнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Хориждан жалб қилинадиган инвестициялар учун турли кафолатлар берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилди ҳамда улар бозор иқтисодиёти ривожланиб бораши билан бирга такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, Конституциямиз негизида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни(04.12.1998 йил), Ўзбекистон

²⁵⁰Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012, Б.11.

²⁵¹Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001, Б.278-279.

Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни(30.04.1998 йил), Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида”ги Қонуни(30.04.1998 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Фармони(11.04.2005 йил) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори(28.10.2009 йил) шулар жумласидандир.

Инвестиция - (ингл.investment) – инвестор (капитал маблағ сарфлаётган давлат, ташкилот, корхона ёки шахс) томонидан бирон-бир фаолиятни амалга ошириш учун капитал маблағларни, сармояларни жорий қилиш, фойда олиш мақсадида сарф қилиш. Инвестиция мамлакат ичида(ички инвестиция) ва хорижий мамлакатларда(ташқи инвестиция) амалга оширилиши мумкин²⁵².

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шакллари ривожлантириш ва инвестициявий муҳитни тартибга солиш механизмларининг ишлаб чиқилиши хорижий сармоядорлар учун қулай инвестицион муҳитнинг яратилишига олиб келди. Республикаимизда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг сони йилдан – йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, дунёнинг 40 дан ортиқ ривожланган мамлакатларидан республикаимиз иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилган.

Жаҳондаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини, моделларини чуқур ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий жиҳатдан асосланган инвестицион қарорларни қабул қилиш, инвестиция жараёнини самарали тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, уларга етарли инвестиция муҳитини яратган ҳолда жалб қилиш иқтисодиётимизнинг келажакдаги ривожини белгилаб беради.

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган инвестиция сиёсати шуни тақозо қилмоқдаки, портфелли инвестицияларга нисбатан тўғридан – тўғри инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиниши кўпроқ самара беради. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади”²⁵³.

Маълумки, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг ривожланиши бевосита уларнинг инвестициявий фаоллигини оширишга қаратилган. Шу боис бугунги кунда жами инвестицияларнинг 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган. Бундай ютуқларга эришишда албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган самарали инвестицион сиёсатнинг натижасидир.

²⁵²Юридик атамалар комусий лугати. – Т.: “Шарк”, 2003, Б.164-165.

²⁵³Эркин иқтисодий зона фаолияти қонучилиги асосларининг такомиллашуви. – Янги қонуилар моҳияти. II қисм.(Илмий-амалий қўлланма).Ф. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Тошкент, 2011, Б.166.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги кўшма корхоналарни мамлакатимизга жалб этиш, уларни жойлаштириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш республикамиз иқтисодиётининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатдаги технологик билимлар даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг жаҳондаги таъсир кучи шунчалик юқори бўлади. Шу сабабдан ҳозирги кунда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг дивесификациялаш масалалари ҳам иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг босқичма – босқич амалга оширилишини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар биргаликда кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов таъкидлаганидек, «энг муҳими, четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш – бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демакдир»²⁵⁴.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда шу кунинг долзарб масалаларидан бири бўлган янги иш ўринларини барпо этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолини турмуш даражасининг ошиб бориши мамлакатимизда олиб борилаётган инвестицион сиёсатнинг самарали эканлигидан далолат бермоқда. Мамлакатимизда ҳозирда бир қанча йирик инвестицион лойиҳалар, мисол учун: “Uz Daevoo” авто, “Ўзавтосаноат” АК, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбекнефтгаз” МХК таркибида бир қатор йирик кўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётимизда, мамлакат экспорт салоҳиятини кўтаришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этишини англатади.

КИТАЙ УКРЕПЛЯЕТ ПОЗИЦИИ НА РЫНКЕ УГЛЕВОДОРОДОВ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

*Н. МУСАЕВ,
магистрант УМЭД*

Рост китайской экономики за последние три десятилетия полностью изменил баланс предложения и спроса на рынке глобальных энергоресурсов. За менее чем 20 лет Китай стал крупнейшим мировым потребителем энергии, что в настоящее время составляет почти 20% от общего глобального энергопотребления. Так, по данным министерства природных ресурсов КНР к 2020 году потребность Китая в нефти составит порядка 560-600 млн. тонн, а зависимость Китая от внешних поставок «черного золота» составит не менее 65%.²⁵⁵ Это означает, что КНР в 2020 году придется импортировать не менее 365-390 млн. тонн нефти.

Спрос Китая на газ растет столь же быстрыми темпами, хотя и с более низкой базы. По данным Международного энергетического агентства (МЭА), потребление Китаем природного газа в 2011 году составило 131 млрд. кубометров, по прогнозам, оно увеличится до 375 млрд. кубометров к 2020 году.²⁵⁶ Газ в настоящее время составляет лишь около 3 процентов от общего объема расходов

²⁵⁴ Каримов И. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007, - Б.44.

²⁵⁵ USA Energy Information Administration [EIA] <http://www.eia.gov/COUNTRIES/cab.cfm?fips=CH>

²⁵⁶ International Energy Agency / Gas information. www.iea.org/publications/.../nat_gas_china.pdf

М.АСҚАРОВА, И.УМАРОВ Иқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестицияларнинг роли ва уларнинг таҳлили.....	213
Э.ЭРГАШЕВ Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр секторни инвестициялаш истикболлари.....	215
Д.РАСУЛОВА Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг амалий самаралари.....	218
G.NAZAROVA, M.SHUKUROVA The position of uzbekistan in the economy of central asia.....	221
Х.ХАДЖАЕВ Иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш шароитида янги иш ўринларини яратишнинг аҳамияти.....	225
С.АБДУРАХИМОВА, М.МАХМУДОВ Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг макроиқтисодий жиҳатлари.....	227
М.ЗОКИРЖОНОВ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида.....	229
Н. РАСУЛОВ Миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш тенденциялари.....	232
С.МИРЗАЕВ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция сиёсатининг тутган ўрни.....	236
Н.МУСАЕВ Китай укреплает позиции на рынке углеводородов стран Центральной Азии.....	238
B.ORZIQULOV Iqtisodiyotni liberallashtirishning eng ustuvor yo'nalishlari.....	241

«VNESHINVESTPROM» MChJ nashriyoti.

100027, Toshkent sh., O'zbekiston shohko'chasi, 16^a-uy.

Nashriyot litsenziyasi AI №242 04.06.2013.

Bosishga ruxsat etildi 06.08.2014. Bichimi 60x84¹/₁₆.

Bosma t.15,5. Adadi 500 nusxa. Buyurtma №47

«VNESHINVESTPROM» MChJ matbaa korxonasida chop etildi.

100020, Toshkent sh., Beruniy ko'chasi, B-1.